

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА
КИЛИШ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.31/31.12.2020.YU.67.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

КАРИМОВ ХУРШИД АКРАМОВИЧ

**ЖИНОЯТЛАРНИ ТАСНИФЛАШ МЕЗОНЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Жиноят-ижроия ҳуқуқи.

юримик фанлар доктори (Doctor of Science) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2024

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Science (DSc)

Каримов Хуршид Акрамович

Жиноятларни таснифлаш мезонларини такомиллаштириш.....3

Каримов Хуршид Акрамович

Совершенствование критериев классификации преступлений.....29

Karimov Khurshid Akramovich

Improvement of criteria of classification of crimes.....55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works60

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА
КИЛИШ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.31/31.12.2020.YU.67.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

КАРИМОВ ХУРШИД АКРАМОВИЧ

**ЖИНОЯТЛАРНИ ТАСНИФЛАШ МЕЗОНЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Жиноят-ижроия ҳуқуқи.

юримик фанлар доктори (Doctor of Science) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2024

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.DSc/Yu168 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.proacademy.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Пулатов Бахтиёр Халилович
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ахроров Баҳром Жабборович
юридик фанлар доктори, профессор

Фозилов Икром Юсупович
юридик фанлар доктори, профессор

Турғунбоев Элбек Одилжонович
юридик фанлар доктори

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар Олий мактаби

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 рақамли бир марталик илмий кенгашнинг 2024 йил 18 декабрь куни соат 10-00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Рихсий кўчаси, 9-уй. Тел.: (99871) 202-04-96).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (48-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100190, Тошкент шаҳар Рихсий кўчаси 9-уй. Тел.: (99871) 202-04-96).

Диссертация автореферати 2024 йил 04 декабрь куни тарқатилди.

(2024 йил 04 декабрдаги 14-рақамли реестр баённомаси).

Ф.Х.Рахимов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Ш.И.Шайзаков

Илмий даражалар берувчи бир марталик Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент

В.Каримов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда жиноятчиликка қарши курашиш, жиноятларни олдини олиш, жиноятларни ўсиш ёки камайиш динамикасини юритиш, жиноятчиликка қарши курашиш стратегиясини ишлаб чиқиш, давлатларнинг жиноятчиликка қарши кураш сиёсатини самарали таъминлашда жиноятларни ижтимоий хавфлилиги даражаси ва хусусиятига кўра таснифланишига оид қоидаларни ишлаб чиқилганлиги муҳим аҳамият касб этади. Мазкур таснифлашга оид мезонлар асосида жиноятларни қайси тури ўсган ва қайси тури камайганлигини аниқлаш ҳамда жиноятчиликка қарши курашда самарали чораларни ишлаб чиқиш, жиноят учун санкция миқдорини белгилаш, жиноят содир этган шасхга адолатли жазо тайинлаш масалаларини ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Қайд этиш лозимки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гиёҳвандлик ва жиноятчилик бўйича бошқармаси томонидан статистика мақсадлари учун жиноятларни халқаро таснифи ишлаб чиқилганлиги ҳамда статистика мақсадлари учун жиноятларни халқаро таснифи учун мезонлар сифатида жиноятлар турли жиҳатлар бўйича кўрилиши ва таснифланиши мумкинлиги белгиланганлиги¹ ҳам мавзунини долзарб эканлигини кўрсатади.

Жаҳонда жиноятларни таснифлаш мезонларини илмий ва амалий тадқиқ қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, жиноятлар учун санкция миқдори, муқобил жазоларни белгилаш мезонлари, жазо тайинлашда айб шаклига эътибор қаратиш, жиноятчи шахси ва унинг жиноят содир этишдаги иштироки, жиноятларни содир этилишидаги оғирлаштирувчи ҳолатлар, жиноят таснифининг жазо тайинлашдаги аҳамияти, маъмурий преюдицияли жиноятларни таснифи, маъмурий преюдицияли жиноятларни қилмишнинг ижтимоий хавфлилигига таъсири, жиноятларни квалификация қилишда жиноятларни таснифининг аҳамияти, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш, муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш йўллари ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Жиноятларни таснифлаш мезонларига таъсир қилувчи омиллар, жиноятнинг объектив ва субъектив белгиларини таҳлил қилиш, жиноят таркибининг оғирлаштирувчи белгиларини қайта кўриб чиқиш, тамом бўлмаган жиноят, жиноятда иштирокчилик каби институтларни жиноят таснифига таъсирини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқиш жиноятчиликка қарши курашишда ҳам муҳим ҳисобланади.

Мамлакатимизда жиноятларни таснифлашнинг янгича мезонларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йилнинг 14 майидаги 3723-сон Қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг

¹ Статистика мақсадлари учун жиноятларни халқаро таснифи.uno.org

Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепциясида жиной қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва характерини белгиловчи муқобил кўрсаткичларни жорий этиш орқали жиноятларни **таснифлаш тизими ва мезонларини қайтадан** кўриб чиқиш вазифаси белгиланган. Мазкур вазифаларни ижроси юзасидан жиноятларни таснифлаш мезонларини такомиллаштириш мавзусидаги тадқиқот ишини олиб борилиши долзарб ҳисобланади.

Судларда² кўрилган жиноят ишларнинг ижтимоий хавфлилик даражасига кўра таснифланганда, қуйидаги рақамларни кўрсатмоқда:

– ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган шахслар сони 2018 йилда 19 147 (39%), 2019 йилда 14 198 (39%), 2020 йилда 16 644 (44%), 2021 йилда 25 716 (42%), 2022 йилда 30680 (41%), 2023 йилда 31148 (42%);

– унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахслар сони 2018 йилда 15 338 (32%), 2019 йилда 11 220 (30%), 2020 йилда 10 218 (27%), 2021 йилда 16 202 (26%), 2022 йилда 19 496 (26%), 2023 йилда 18226 (25%);

– оғир жиноят содир этган шахслар сони 2018 йилда 11 540 (24%), 2019 йилда 9 119 (25%), 2020 йилда 9 221 (24%), 2021 йилда 16 778 (27%), 2022 йилда 21 889 (29%), 2023 йилда 21402 (29 %);

– ўта оғир жиноят содир этган шахслар сони 2018 йилда 2 556 (5%), 2019 йилда 2 308 (6%), 2020 йилда 2 054 (5%), 2021 йилда 2 567 (4%), 2022 йилда 3003 (4%), 2023 йилда 3021 (4%) ни ташкил этади.

Юқоридаги рақамлар таҳлили жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражасига кўра таснифланишига оид қоидаларнинг аниқ мезонлари бўлиши, жиноятчиликни таҳлил қилишда, жиноятларнинг оғирлик даражасига кўра ортганлиги ёки камайганлиги тенденцияларини ўрганиш асосида жиноятчиликка қарши курашишда, тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йилнинг 11 сентябридаги “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги 158-сонли Фармонида белгиланган қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқук тизимидаги ислоҳотларни амалга оширишдаги устувор вазифалар ижросида жиноят қонунчилигини либераллаштириш масалалари, шу жумладан, жиноятларни таснифлаш мезонларини тадқиқ қилиш ҳамда бу борада жиноят қонунчилигини такомиллаштириш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йилнинг 14 майидаги 3723-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йилнинг 11 сентябридаги «Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисида»ги 158-сонли Фармони, “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 февралдаги ПФ 27-сонли Фармони, 2017 йилнинг 14 майидаги

² <https://stat.sud.uz/file/2024/31-01>.

“Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ва бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³.

Жиноятларни таснифлаш масалаларига оид илмий-тадқиқотлар Россия Федерацияси прокуратура университети (Россия), Веллингтон Викториа университети (Янги Зеландия), Корея криминология ва одил судлов институти (Жанубий Корея), Мичиган университети (АҚШ), Гент университети (Белгия) каби халқаро, илмий ва таълим муассасаларида амалга оширилган.

Жиноятларни таснифлаш мезонларини ўрганишга оид тадқиқотларда муайян илмий натижаларга эришилган. Жумладан, амалга оширилган илмий тадқиқотлар натижасида Россия жиноят қонунчилигида таснифлаш (назарий-амалий таҳлил) (Россия ИИВ Нижегород Академияси)⁴, Қозоғистон Республикаси жиноят ҳуқуқи бўйича жиноятларни таснифлашнинг назарий муаммолари (Қозоғистон Республикаси МХҚ Қарағанда олий мактаби)⁵, жиноятларни таснифлашнинг ҳуқуқий аҳамияти (Россия ИИВ Ростов юридик институти)⁶, жиноятларни таснифлаш (University of Minnesota)⁷, жиноятларни таснифлаш (Walden University)⁸; жиноятдан етказиладиган зарарнинг Кембридж индекси (The University of Cambridge)⁹ мавзулари бўйича хулосалар шакллантирилган ва асосланган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда жиноятларни таснифлаш мезонларини такомиллаштириш масалалари кам ўрганилган. Унинг айрим жиҳатларига М.Х.Рустамбоев, Р.А.Зуфаров, Р.Кабулов, М.Усмоналиев, Ю.С.Пулатов, М.Ражабова, Ж.Тошқулов, У.Ш.Холиқулов, Х.Очилов, Э.Турғунбоев, Д.Камалова, Қ.Розимова, А.Тошпулатов ва бошқаларнинг илмий ишларида эътибор берилган.

³ <https://www.agprf.org>, <https://www.unodc.org>, <https://www.dissercat.com>, <http://www.dslib.net>, <https://cjars-toc.isr.umich.edu>, <https://www.kicj.re.kr>, <https://www.sciencedirect.com>, <https://eucpn.org>.

⁴ Классификация в российском уголовном законодательстве (теоретико-прикладной анализ). Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Нижний Новгород – 2006.

⁵ Онгарбаев. Е.А. Теоретические проблемы классификации преступлений по уголовному праву Республики Казахстан. Диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук. Караганда -1998.

⁶ Ратьков. А.Н. Правовое значение классификации преступлений. Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Ростов-на-Дону 2002.

⁷ <https://open.lib.umn.edu/criminallaw/chapter/1-4-classification-of-crimes/>

⁸ https://www.researchgate.net/publication/344149167_Classification_of_Crimes

⁹ <https://www.crim.cam.ac.uk/research/thecambridgecrimeharminindex>

А.Ю.Гревцева¹⁰, Н.Г.Кадников¹¹, Н.Н.Маршакова¹², У. Азизов¹³, О.А.Михал¹⁴, Е.А.Онгарбаев¹⁵, А.Н.Ратьков¹⁶, А.Г.Халиков¹⁷, Т.В.Цатурян¹⁸ каби МДХ давлатлари олимлари жиноятларни таснифлаш масалаларига оид бевосита илмий тадқиқот ишлари олиб борганлар.

Шунингдек, John W. Mac Donald¹⁹, Tony Ward, Russil Durrant, Louise Dixon²⁰ каби олимлар тадқиқот олиб борганлар.

Бироқ, республикамизда жиноятларни таснифлаш мезонларини такомиллаштириш масалалари амалий ва назарий жиҳатдан комплекс тарзда диссертация даражасида тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Тошкент давлат юридик университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишнинг инновацион усул ва воситалари” мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади жиноятларни таснифлаш мезонларини таҳлил қилиш, жиноятларни таснифлашга таъсир қилувчи жиноят таркиби белгиларини ўрганиш, жиноятларни таснифига таъсир қилувчи белгиларни жиноятларни квалификациясига таъсирини ўрганиш, аниқланган муаммолар бўйича амалий ва назарий ечимлар бериш, жиноят қонунчилигини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Жиноятларни таснифлаш тушунчаси ва заруратини таҳлил қилиш;

Ўзбекистонда жиноятларни таснифлашга оид қоидаларни шаклланишининг тарихий-ҳуқуқий асосларини ўрганиш;

Жиноятларни таснифлаш мезонларининг илмий асосларини ўрганиш;

Жиноятларни таснифлаш мезонларининг ҳуқуқий муаммоларини ўрганиш;

¹⁰ Гревцева. А.Ю. Классификации преступлений, их роль и значение. Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Орел -2010.

¹¹ Кадников. Н.Г. Классификация преступлений по уголовному праву России. Диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук. Москва-2000.

¹² Маршакова. Н.Н. Классификация в российском уголовном законодательстве (теоретико-прикладной анализ). Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Нижний Новгород – 2006.

¹³ Азизов. У.А. Эволюция институтов преступления и наказания на территории исторического и современного Таджикистана: историко-правовое исследование// Диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук. Душанбе – 2015.

¹⁴ Михал. О.А. Классификация преступлений. Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Омск -1999.

¹⁵ Онгарбаев. Е.А. Теоретические проблемы классификации преступлений по уголовному праву Республики Казахстан. Диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук. Караганда -1998.

¹⁶ Ратьков. А.Н. Правовое значение классификации преступлений. Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Ростов-на-Дону 2002.

¹⁷ Халиков. А.Г. Правовая система зараостризма // Диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук. Душанбе – 2004.

¹⁸ Цатурян. Т.В. Проблемы классификации преступлений в уголовном праве Российской Федерации. Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Ставрополь – 2004.

¹⁹ <https://core.ac.uk/download/pdf/73975492.pdf>

²⁰ <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S1359178920301786>

айрим хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилигида жиноятларни таснифлаш мезонларини таҳлил қилиш,

жиноят қонунчилигида маъмурий преюдиция тушунчаси ва жиноят таснифидаги ўрнини аниқлаш;

маъмурий преюдицияга эга жиноятларни квалификация қилиш муаммоларини ўрганиш ва амалий ечими бўйича таклифлар бериш,

айрим хорижий мамлакатларда жиноят таснифида маъмурий преюдиция институтини ўрганиш,

жиноятларни таснифлашга таъсир этувчи жиноят таркибининг объектив белгиларини ўрганиш,

жиноятларни таснифлашга таъсир этувчи жиноят таркибининг субъектив белгиларини ўрганиш,

жиноятларни таснифлашда жазо миқдори ва муддатини ўрганиш.

Жиноятларни таснифлаш нормаларини такомиллаштиришга оид таклифлар ва тасиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти жиноят қонунчилигида жиноятларни таснифлаш мезонлари билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети жиноятларни таснифлаш мезонлари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, айрим хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилиги, жиноят ҳуқуқи фанида мавжуд бўлган айрим илмий ёндашувлар, жиноятларни таснифлаш мезонлари билан боғлиқ илмий-назарий қарашлардан иборатдир.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб боришда тарихий, тизимли, қиёсий-ҳуқуқий, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, ижтимоий сўров, статистик маълумотлар таҳлили, мантиқий таҳлил каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жиноятларни ижтимоий хавфлилик хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра таснифлаш қоидаларини ишлаб чиқишда қасддан содир этилган унча оғир бўлмаган жиноятлар учун санкциянинг минимал муддатини кўрсатмаслик орқали максимал муддатидан келиб чиқиб белгиланиши кераклиги асосланган;

жиноятларни ижтимоий хавфлилик хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра таснифлаш қоидаларини ишлаб чиқишда қасддан содир этилган оғир жиноятлар учун санкциянинг минимал муддатини кўрсатмаслик орқали максимал муддатидан келиб чиқиб белгиланиши кераклиги асосланган;

жазо тизимида назарда тутилган жарима жазоси жиноятнинг таснифидан келиб чиқиб, фақат ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ҳамда оғир жиноятлар учун тайинланиши асосланган;

ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар учун жарима жазосининг энг кўп миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваригача тайинланиши асосланган;

унча оғир бўлмаган жиноятлар учун жарима жазосининг энг кўп миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз бараваригача тайинланиши асосланган;

оғир жиноятлар учун жарима жазосининг энг кўп миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг олти юз бараваригача тайинланиши асосланган;

маъмурий преюдицияли жиноятлар учун жавобгарлик шундай ҳаракатлар содир этганлик учун маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор чиқарилган пайтдан бошлаб бир йил мобайнида такроран содир этилганда келиб чиқиши асосланди;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“Жиноятларни таснифлаш” тушунчасига муаллифлик таъриф берилган; жавобгарликка тортиш муддатларини қўллашда нафақат жиноят таснифидан, шунингдек, айбнинг шаклидан келиб чиқиб ҳам қўллаш таклифи илгари сурилган;

жиноятларнинг таснифлашда айбнинг шаклидан келиб чиқиб, таснифлашнинг янгича мезонларини белгиланиши таклифи илгари сурилди;

маъмурий преюдицияли жиноятларни жиноят таснифидаги ўрни таҳлил қилинди ҳамда квалификация қилишдаги муаммоларнинг ечимлари асослаб берилган.

Айбнинг ҳам қасд ҳам эҳтиётсизлик оқибатида содир этиладиган жиноятларни алоҳида таркиб сифатида ажратиш кераклиги асослаб берилди.

Тамом бўлмаган жиноятларни мазкур жиноят учун тайинланиши мумкин бўлган санкцияда белгиланган энг оғир жазонинг максимал муддатидан келиб чиқиб жиноятнинг таснифи белгиланиши кераклиги асослаб берилди.

Судланганликка оид нормаларни қўллашда жиноят таснифи ҳамда айбнинг шаклидан келиб чиққан ҳолда қўллаш таклифи асослаб берилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот давомида олинган назарий-илмий хулосалар халқаро илмий базалар ҳамда бошқа расмий манбалардаги ишончли маълумотлар асосида шакллантирилган. 3963 нафар прокуратура ходимлари билан анкета сўрови ўтказилди ва 100 дан ортиқ суд ҳукмлари, ажрим ва қарорлари таҳлил қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий ва амалий хулоса ва таклифлардан келгусида илмий ва амалий фаолиятда, жиноят қонунчилиги нормаларини такомиллаштиришда, соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва такомиллаштиришда, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари фаолиятида, шунингдек жиноят ҳуқуқи, криминология, жиноятларни квалификация қилиш каби ўқув модулларини илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишга хизмат қилади. Тадқиқот натижаларидан келгусида мавзуга оид тадқиқотларни олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларидан қонун ижодкорлиги, жумладан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни лойиҳаларини тайёрлашда ёки уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларини тайёрлаш ва ўзгартириш киритишда ҳамда юридик таълим муассасаларида жиноят ҳуқуқи ва жиноятларни квалификация қилиш каби модулларни ўқитишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жиноятларни таснифлаш мезонларини такомиллаштириш масалаларини тадқиқ этиш натижалари асосида:

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Жиноят кодекси лойиҳасининг 17-моддасидаги “унча оғир бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар қиради” деб қайд этилган жумласини ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2024 йил 24 январдаги 27/2-17-24-сонли маълумотномаси). Мазкур таклиф жазонинг максимал муддатидан келиб чиқиб жиноятлар таснифланишини, жиноятлар учун санкция миқдорини белгилашда Жиноят кодекси Умумий ва Махсус қисми нормаларини ўзаро мувофиқлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Жиноят кодекси лойиҳасининг 17-моддасидаги “оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар қиради” деб қайд этилган жумласини ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2024 йил 24 январдаги 27/2-17-24-сонли далолатномаси). Мазкур таклиф жазонинг максимал муддатидан келиб чиқиб жиноятлар таснифланишини, жиноятлар учун санкция миқдорини белгилашда Жиноят кодекси Умумий ва Махсус қисми нормаларини ўзаро мувофиқлигини таъминлашга хизмат қилади.

Жарима жазолари жиноятнинг ижтимоий хавфлилигидан келиб чиқиб, мутаносиб белгиланиши ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Жиноят кодекси лойиҳасининг 50-моддасини ишлаб чиқишда инобатга олинди. (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2024 йил 24 январдаги 27/2-17-24-сонли далолатномаси) Мазкур таклиф жиноятлар учун жазо миқдори жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига мос бўлишига, санкция миқдорини белгилашда муқобил жазолар жиноят таснифига асосланишига, жиноятлар учун санкция миқдорини белгилашда Жиноят кодекси Умумий ва Махсус қисми нормаларини ўзаро мувофиқлигини таъминлашга хизмат қилади.

ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар учун жарима жазосининг энг кўп миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваригача тайинланиши ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Жиноят кодекси лойиҳасининг 50-моддасини ишлаб чиқишда инобатга олинди. (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2024 йил 24 январдаги 27/2-17-24-сонли далолатномаси) Мазкур таклиф жиноятлар учун жазо миқдори жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига мос бўлишига, санкция миқдорини белгилашда муқобил жазолар жиноят таснифига асосланишига, жиноятлар учун санкция миқдорини белгилашда Жиноят кодекси Умумий ва Махсус қисми нормаларини ўзаро мувофиқлигини таъминлашга хизмат қилади.

унча оғир бўлмаган жиноятлар учун жарима жазосининг энг кўп миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз бараваригача тайинланиши ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Жиноят кодекси лойиҳасининг 50-моддасини ишлаб чиқишда инobatга олинди. (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2024 йил 24 январдаги 27/2-17-24-сонли далолатномаси) Мазкур таклиф жиноятлар учун жазо миқдори жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига мос бўлишига, санкция миқдорини белгилашда муқобил жазолар жиноят таснифига асосланишига, жиноятлар учун санкция миқдорини белгилашда Жиноят кодекси Умумий ва Махсус қисми нормаларини ўзаро мувофиқлигини таъминлашга хизмат қилади.

оғир жиноятлар учун жарима жазосининг энг кўп миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг олти юз бараваригача тайинланиши ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Жиноят кодекси лойиҳасининг

50-моддасини ишлаб чиқишда инobatга олинди. (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2024 йил 24 январдаги 27/2-17-24-сонли далолатномаси) Мазкур таклиф жиноятлар учун жазо миқдори жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига мос бўлишига, санкция миқдорини белгилашда муқобил жазолар жиноят таснифига асосланишига, жиноятлар учун санкция миқдорини белгилашда Жиноят кодекси Умумий ва Махсус қисми нормаларини ўзаро мувофиқлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида” 1998 йил 17 апрелдаги 11-сонли қарори: 6-бандининг биринчи хатбошисидаги “шундай ҳаракатлар учун қўлланилган маъмурий жазо ижроси тугаган кундан эътиборан (маъмурий жазо ижро этилмаган ҳолларда эса - уни ижро этиш муддати тугаган кундан эътиборан), бир йил давомида содир этилган бўлса,” деган сўзлар “шундай ҳаракатлар содир этганлик учун маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор чиқарилган пайтдан бошлаб бир йил мобайнида такроран содир этилган бўлса,” деган сўзлар билан алмаштиришда инobatга олинди. (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2023 йилнинг 21 декабрдаги 08/1002-23-сонли далолатномаси). Мазкур таклиф маъмурий преюдицияли жиноятлар учун жавобгарликни муқаррарлигини таъминлашга ҳамда ягона суд амалиётини шакллантиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та илмий анжуман, жумладан, 6 та халқаро, 4 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш, жумладан, 2 та монография, 24 та илмий мақола (2 таси хорижий нашрларда), 6 та тезис халқаро конференция тўпламларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 222 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, унинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “Жиноятларни таснифлашнинг ҳуқуқий асослари ва зарурати” деб номланиб, жиноятларни таснифлаш тушунчаси ва зарурати, Ўзбекистонда жиноятларни таснифлашга оид қоидаларни шаклланишининг тарихий-ҳуқуқий асослари таҳлилига бағишланган.

Мазкур бобнинг жиноятларни таснифлаш тушунчаси ва зарурати номли биринчи параграфда тадқиқотчи жиноятларни таснифлаш тушунчасига оид илмий ва ҳуқуқий қарашларни таҳлил қилган. Жумладан, Назаренко Л.А., Н.Г.Кадников, Ю.С.Пўлатов, М.М.Дайшутов, М.Х.Рустамбоев, Д.Камалова, М.И.Ковалев, А.Б.Сахаров каби олимларни жиноятларни таснифлаш тушунчасига оид қарашларини таҳлил қилган ҳамда жиноятларни таснифлаш тушунчасига оид муаллифлик таърифини ишлаб чиққан. Жумладан, Жиноятларни таснифлаш тушунчаси – ушбу кодексда жиноятлар жиноятнинг объектив ва субъектив белгиларига қараб, шунингдек, жиноятлар оғирлигига кўра жиноятнинг объектив ва субъектив белгилари асосида Жиноят кодекси Махсус қисмида кўрсатилган жиноятнинг санкциясида белгиланган жазо миқдори ва муддатига қараб тоифаларга бўлинади деб, таъриф бериш мақсадга мувофиқлигини асослаган.

Тадқиқотчи жиноятларни таснифлашда яъни тоифаларга бўлишда жазонинг миқдори ва муддатига қараб қасддан содир этиладиган жиноятларни тўртта тоифадаги жиноятларга бўлиниши мақсадга мувофиқлиги ҳамда жиноятларни ижтимоий хавфлилик даражасига кўра таснифлаш жумласини қўллаш мақсадга мувофиқ эмас ва жиноят таснифининг оғирлик даражаси жиноятнинг тоифасига қараб жазонинг муддати ёки миқдори билан белгиланади деган фикрга келган.

Яъни, биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи тоифадаги жиноятлар.

Биринчи тоифадаги жиноятларга қасддан содир этилиб, озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилмаган ёки энг кўп жазо сифатида 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар назарда тутилиши таклиф этилади.

Иккинчи тоифадаги жиноятларга қасддан содир этилиб, энг кўп жазо сифатида 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки мазкур жазога муқобил жазо сифатида озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилмаган жиноятлар назарда тутилиши таклиф этилади.

Учинчи тоифадаги жиноятларга қасддан содир этилиб, энг кўп жазо сифатида 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси ёки мазкур жазога муқобил жазо сифатида озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилмаган жиноятлар назарда тутилиши таклиф этилади.

Тўртинчи тоифадаги жиноятларга қасддан содир этилиб, 10 йилдан ортиқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар назарда тутилиши таклиф этилган.

Ўзбекистонда жиноятларни таснифлашга оид қоидаларни шаклланишининг тарихий-ҳуқуқий асослари номли иккинчи параграфда жиноятларни таснифлашга оид қоидаларни шаклланиши ўрганилган ва таҳлил қилинган.

Жумладан, 1. Зороастризм даврининг асосий ҳуқуқий манбаси бўлган Авестода жиноятларни таснифлашга оид қоидалар. 2. Шариат нормаларида жиноятларни таснифлаш. 3. Чор Россияси даврида жиноятларни таснифлашга оид қоидалар. 4. Собиқ иттифоқ даврида жиноятларни таснифлашга оид қоидалар. 5. Мустақил Ўзбекистоннинг Жиноят кодексида жиноятларни таснифлашга оид қоидалар ўрганилган.

Ушбу масалаларни ёритишда Ҳ.Бобоев, У.А.Азизов А.Г.Периханян, Талезари Али Аббас, А.Г.Халиков, М.Т.Тургунов, М.Ражабова, Ж.Тошқулов ва бошқа олимларнинг илмий-ҳуқуқий қарашлари ўрганилган.

Авестода тажовуз объектининг ва жазонинг хавфлилиги даражасига кўра кўплаб жиноят ҳуқуқий нормалар мавжуд бўлиб, жиноятларни тажовуз объектига кўра, объектив ва субъектив томони, жазо турига кўра таснифланганлигини қайд этиш мумкин. Шу билан бир қаторда Авестода жиноятлар таснифига оид нормалар таҳлили жиноятларни таснифлашга оид олимларнинг турлича қарашлари мавжуд бўлиб, зороастризм даврида асосий ҳуқуқий манба бўлган Авестода жиноятларни таснифлашга оид ягона қоидалар мавжуд эмаслигини кўрсатади.

Ўзбекистон ССРнинг 1926 ва 1959 йилдаги Кодексларида ҳамда мустақил Ўзбекистоннинг Жиноят кодексидаги жиноятларни таснифлаш билан боғлиқ нормаларни ривожланиши тенденциялари таҳлил қилинган.

1959 йилдаги Жиноят кодексининг 7-моддасида жиноят тушунчаси берилган жиноятлар тоифаси атамаси дастлаб қабул қилинганда қўлланилмаган. 1972 йилда ушбу кодексга 7.1-модда қўшилиб, биринчи марта “оғир жиноятлар келтириб ўтилган (давлатга қарши ўта хавфли жиноятлар, оғирлаштирувчи ҳолатларда миллий ва ирқий тенгликни бузиш, бандитизм, ахлоқ тузатиш муассасалари ишини бузадиган ҳаракатлар, контрабанда, оммавий тартибсизликлар каби).

Ўзбекистон ССРнинг 1926 ва 1959 йилдаги Кодексларида жиноятларни таснифлаш мезонларига оид алоҳида нормалар билан тартибга солилмаган бўлиб, бу ўз навбатида жиноят ҳуқуқи институтларини (жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш, жавобгарликка тортиш муддатларини қўллаш, алоҳида хавфли рецидивист деб топиш, бир қанча жиноятлар учун жазо тайинлаш ва бошқалар) қўллашда мураккабликларга олиб келган. 1994 йил 22 сентябрда мустақил Ўзбекистоннинг Жиноят кодекси Собиқ Иттифоқ республикалари

орасида биринчи бўлиб қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 15-моддаси жиноятларни таснифлаш деб номланиб, жиноятлар ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига кўра тўртта таснифи ҳуқуқий жиҳатдан мустақамланди. Жиноятларни таснифлашга оид қоидалар 2001 йил 29 августдаги Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартириш киритилиши муносабати билан янада такомиллаштирилди. Натижада унча оғир бўлмаган жиноятлар турини камайиши ҳисобига ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифаси кенгайди. Натижада жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш, маҳкумларга колония турини танлаш, жазони енгилроғи билан алмаштириш, жазони ўташ муддатидан илгари шартли озод қилишга оид нормаларни қўллаш имкониятини янада кенгайтди.

Тадқиқотчи жиноят учун санкциянинг оғир ёки енгил белгиланиши жиноятнинг объектив ва субъектив белгилари мезонларига боғлиқ бўлиб, жиноятларни таснифлашнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражаси аниқ ўлчов ёки баҳолаш мезонларига эга эмас деган хулосага келган.

Жиноятларни таснифлаш мезонлари номли иккинчи бобда жиноятларни таснифлаш мезонларининг илмий асослари, жиноятларни таснифлаш мезонларининг ҳуқуқий муаммолари, айрим хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилигида жиноятларни таснифлаш мезонлари ёритилган.

Жиноят қонунчилиги нормаларини илмий асоси, мазкур нормаларни ижтимоий зарурати ва аҳамиятини тушуниш имконини беради. Шу билан бир қаторда илмий асосларни ўрганилиши ижтимоий муносабатларни ривожланиши жараёнида замон талабарига мос равишда янгича ғоя ва концепцияларни ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади. Жиноятларни таснифлаш мезонларини илмий асосларини ўрганиш ҳам ўз навбатида янгича илмий қарашларни, назарияларни ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда жиноят таснифига оид қоидаларсиз жиноят қонуни умумий қисми нормалари қўлланилишини тасаввур қилиб бўлмайди. Яъни, жазо тайинлашдан тортиб, жазони ўташ ҳамда жавобгарлик ва жазодан озод қилишгача бўлган нормаларни қўллашда жиноят таснифига оид нормалардан фойдаланилади.

Мазкур бобда Германия, Италия, Франция ва АҚШ, Марказий Осиё давлатлари ҳамда Россия, Беларусь, Украина, Грузия, Озарбайжон, Арманистон, Молдова, Латвия, Литва, Эстония каби хорижий мамлакатларнинг жиноятларни таснифлашга оид нормалари таҳлил қилинган ҳамда қуйидаги хулосаларга асос бўлган.

Биринчидан, юқорида таҳлил қилинган давлатларда жиноятларни таснифлашда озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кўп муддатидан келиб чиқиб белгиланиши назарда тутилган.

Иккинчидан, Россия, Грузия, Украина, Молдова, Озарбайжон, Латвия, Эстония, Жиноят кодексларида оғир жиноятлар айбнинг эҳтиётсизлик шаклида ҳам содир этилиши белгиланган. Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон, Арманистон, Беларусь Республикалари Жиноят кодексларида оғир ва ўта оғир жиноятлар фақат айбнинг қасд шаклида содир этилиши

белгиланган. Литва Жиноят кодексида жиноятлар қасддан ва эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиши белгиланган бўлиб, фақат айбнинг қасд шаклига қараб жиноятлар тоифалари бўлинган.

Учинчидан, Эстония, Украина жиноят кодексларида жазонинг миқдори ва муддатига қараб жиноятлар таснифланиши ҳамда бунда айбнинг шакли инобатга олинмаганлиги билан ажралиб туради.

Тўртинчидан, Украина, Қозоғистон, Латвия, Литва жиноят кодексларида жиноий ҳуқуқбузарликларни ноҳўя қилмиш (проступок) ва жиноят тоифаларига бўлиниши белгиланган.

Бешинчидан, Молдова ва Латвия Жиноят кодексларида жиноятларни таснифлашда зиённинг даражаси ҳам мезон сифатида олинган бўлса, Туркманистон жиноят кодексида айбнинг шакли ҳам кўрсатилган.

Олтинчидан, Украина, Озарбайжон, Қирғизистон, Беларусь жиноят кодексларида жиноятларни таснифлашга оид қоидаларда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар ҳам қўлланилган.

Еттинчидан, Россия, Арманистон, Озарбайжон, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон Республикалари Жиноят кодексида жиноятлар ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра таснифланиши белгиланган. Яъни, ижтимоий хавфлилик даражаси жумласи қўлланилган.

Саккизинчидан, Украина жиноят кодексидаги жиноятларни таснифлашга оид қоидада барча таснифдаги жиноятларга жарима жазоси назарда тутилганлигини таҳлил қилган. Юқоридаги ҳулосалардан келиб чиқиб, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича тегишли таклифлар ишлаб чиқилган.

М.Рустамбоев, Р.Кабулов, М.Усмоналиев, Х.Очилов, Э.Турғунбоев, Д.Камалова, У.Халикулов, А.Ю.Гревцева, Н.Г.Кадников, Н.Н.Маршакова, У. Азизов, О.А.Михал, Е.А.Онгарбаев, А.Н.Ратьков, А.Г.Халиков, Т.В.Цатурян каби МДХ давлатлари олимлари жиноятларни таснифлаш масалаларига оид бевосита илмий тадқиқот ишларида жиноятларни таснифлаш масалалари ўрганилган. Олимлар билан илмий мунозарага киришилган.

Хорижий мамлакатларнинг жиноятларни таснифлашга оид нормаларини таҳлили қуйидаги ҳулосаларга асос бўлади.

Тадқиқотчи томонидан жазонинг оғирлик даражасига кўра жиноятларни таснифлаш таклиф этилган. Бундай таснифлашда фақат қасддан содир этиладиган жиноятлар тоифаларга бўлинади. Эҳтиётсизликдан содир этиладиган жиноятлар алоҳида тоифа ҳисобланади. Масалан, Литва Жиноят кодексида жиноятлар қасддан ва эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиши белгиланган бўлиб, фақат айбнинг қасд шаклига қараб жиноятлар тоифалари бўлинган.

Амалдаги Жиноят кодексида ҳам эҳтиётсизлик оқибатида содир этиладиган жиноятлар жумласи қўлланилганда жиноят таснифи кўрсатилмаган нормалар мавжуд. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан Амнистия

тўғрисидаги Қарорида ҳам эҳтиётсизлик орқасидаги жиноятлар содир этган шахсларга нисбатан қўлланилганда жиноят таснифи инобатга олинмаган. Масалан, “Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар, шунингдек ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятларни қасддан содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин”.

Учинчидан, жиноятларни таснифлашда махсус қисм санкциясида фақат озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар ҳам назарда тутилишини инобатга олган ҳолда, озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кўп муддатидан келиб чиқиб жиноятларни таснифлашга оид қоидаларни белгилаш таклиф этилган.

Амалдаги Жиноят кодексининг Махсус қисми тизими жумладан, бўлимлари жойлашувида ҳам ижтимоий хавфлилик даражаси кетма-кетлигига риоя қилинмаганлиги, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодекси нормалари асосида жиноятларни объектив ва субъектив мезонлар қараб таснифларга бўлиш мумкинлиги, жиноятни ижтимоий хавфлилиги ва қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини таққосласак, жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги тушунчаси кенгрок, яъни, бунда жиноятнинг ижтимоий хавфлилигига таъсир қилувчи жиноят таркибини объектив ва субъектив мезонлари асос бўлиши, қилмишни ижтимоий хавфлилиги эса жиноят таркибини объектив томонида кўриниши, жиноятларни таснифлашда шахснинг жиноят содир этишдан кейинги ҳаракатлари қилмишни ижтимоий хавфлилигига таъсир қилмайди балки шахсга тайинладиган жазога таъсир қилиши, жиноят содир этилган ходиса бўлиб, қилмишнинг хавфлилиги унинг содир этиш усули, субъектив томони, жиноятнинг объекти хусусиятига кўпроқ боғлиқлиги, субъект фактори гарчи жиноят таркибининг битта элементи бўлсада, аммо мазкур элемент жавобгарлик масаласини ҳал этишда аҳамиятли бўлиб, барча ҳолларда ҳам жиноят таснифига таъсир қилувчи мезон бўлиб келмаслиги, ҳар қандай жиноят таркиби қонунчиликка киритилганда мазкур жиноят учун жазо миқдори ва турини белгилашда қонун чиқарувчи учун қатъий қоидалар йўқлиги ва бундай қоидаларни қатъий белгилаш мақсадга мувофиқ эмаслиги, жиноятларни таснифлашнинг ижтимоий хавфлилиги тамом бўлмаган жиноятлар учун амалда тайинланиши мумкин бўлган жазо миқдоридан келиб чиқиб белгиланиши мақсадга мувофиқлиги, қасд ва эҳтиётсизликни ижтимоий хавфлилиги бир биридан кескин фарқ қилинишини инобатга олсак, қасддан ва эҳтиётсизликдан содир этиладиган жиноятларни бир ҳил тасниф қаторига кўйиш мақсадга мувофиқ эмас деган хулосага келиш мумкин ҳамда эҳтиётсизлик орқасида содир этиладиган жиноятларни алоҳида жиноятлар таснифига киритиш мақсадга мувофиқлиги, муайян жиноятлар муайян ҳолатда қасддан ҳам бошқа ҳолатда эҳтиётсизликдан ҳам содир этилиши мумкин бўлиб, ушбу қилмишлар учун битта моддада бир жиноят таркиби доирасида бир ҳилдаги жавобгарлик белгиланиши мақсадга мувофиқ эмаслиги, Жиноят кодексининг умумий қисмидаги жиноятларни таснифлашга оид қоидаларда жиноят таснифлашда жазонинг минимал миқдорини кўрсатмаслик мақсадга мувофиқлиги каби таклифлар билдирилган ҳамда

мазкур таклифлар илмий, амалий ва хорижий мамлакатлар тажрибаси мисолида асосланган.

Жиноят таркибини объектив ва субъектив белгилари барча ҳолларда ҳам қилмишни ижтимоий хавфлилигини оширмайди, балки шахснинг ижтимоий хавфлилигини кўрсатади ва шахсга нисбатан оғирроқ жазо тайинланишини назарда тутаяди. Яъни, муайян бир қилмишни шахс биринчи марта содир этганда жазо енгилроқ бўлса, шу қилмишни ўта хавfli рецидивист содир этса жазо оғирроқ бўлади. Бундан ташқари қилмишнинг жиноят таснифи бўйича оғирлик даражаси ҳам ўзгаради. Қилмишни ижтимоий хавфлиликка кўпроқ жиноятнинг объектив белгиси таъсир этади. Масалан, икки ёки ундан ортиқ шахсга зарар етказиш, вояга етмаган, ногирон ёки кекса ёшдаги шахсга зарар етказиш хавfliроқ ҳисобланади. Субъект шахсга нисбатан жазо тайинланишида муҳим аҳамият касб этиши керак. Қилмиш ижтимоий хавфлилиги нуқтаи назардан ким содир этишидан қатъий назар ижтимоий хавfli. Масалан, аёл киши, ногирон, вояга етмаган ёки ўта хавfli рецидивист шахс. Аммо жазо тайинлашда мазкур шахсларнинг хавфлилиги турлича. Шу муносабат билан юқорида қайд этганимиздек мазкур ҳолат субъектнинг хавфлилигини кўрсатади. Юқоридигилардан келиб чиқиб, жиноятнинг оғирлиги ёки ижтимоий хавфлилиги жиноятнинг объектив ва субъектив белгиларини комплекс қамраб олади.

Жиноятларни таснифлашда шахснинг жиноят содир этишдан кейинги ҳаракатлари қилмишни ижтимоий хавфлиликка таъсир қилмайди балки шахсга тайинланадиган жазога таъсир қилади. Жиноят содир этилган ҳодиса бўлиб, қилмишнинг хавфлилиги унинг содир этиш усули, субъектив томони, жиноятнинг объекти хусусиятига кўпроқ боғлиқ. Субъект фактори гарчи жиноят таркибининг битта элементи бўлсада, аммо мазкур элемент жавобгарлик масаласини ҳал этишда аҳамиятли бўлиб, барча ҳолларда ҳам жиноят таснифига таъсир қилувчи мезон бўлиб келавермайди. Яъни, масалан субъект сифатида вояга етмаганлар, аёллар, ногиронлар ва бошқа енгилроқ жазо тайинлаш назарда тутилган шахслар томонидан жиноят содир этилиши мазкур шахсларнинг содир этган жинояти учун қонунда белгиланган ҳолларда енгилроқ жазо тайинланишига асос бўлади. Аммо ушбу ҳолат жиноятнинг таснифига таъсир қилмайди. Яъни, жиноий қилмишини ижтимоий хавфини камайтирмайди ёки аксинча оширмайди. Балки субъект омили жазо тайинлашда, колония турини танлашда ёки бошқа жиноий ҳуқуқий нормаларни қўллашда аҳамиятли бўлади.

Жиноят кодексидаги ҳар қандай айбли ижтимоий хавfli қилмиш жиноят. Демак, барча жиноят қилмиш сифатида ижтимоий хавфга эга. Аммо мана шу жиноятлар учун эса санкция ўрнатишда таъсир этувчи мезонлар мавжуд. Юқорида қайд этганимиздек, уларга жиноятнинг объектив ва субъектив мезонлари яъни, объектив ва субъектив томон, субъекти ва объекти таъсир этади.

Жиноятлар таснифида маъмурий преюдиция институти номли учинчи бобда жиноят қонунчилигида маъмурий преюдиция тушунчаси ва жиноят таснифидаги ўрни, маъмурий преюдицияга эга жиноятларни квалификация

қилиш муаммолари, айрим хорижий мамлакатларда жиноят таснифида маъмурий преюдиция институти таҳлил қилинган. Жумладан, жиноятларни таснифлаш мезонларини такомиллаштириш масаласидаги тадқиқот ишида маъмурий преюдиция институтини тадқиқ қилиш ҳам муҳим аҳамият касб этиши, бунда МДХ, шунингдек, Украина, Грузия, хусусан, Озарбайжон, Қозоғистон ва Қирғизистон жиноят қонунчилигида, шунингдек, Украина, Латвия ва Литва Республикалари жиноят қонунчилигида маъмурий преюдиция институти мавжуд эмаслиги, Украина, Қозоғистон, Латвия, Литва жиноят кодексларида жиноий ҳуқуқбузарликларни ножўя қилмиш (проступок) ва жиноят тоифаларига бўлиниши белгиланганлиги ўрганилган. Проступок институтининг киритилиши маъмурий преюдиция институтини ислоҳ қилиниши билан боғлиқлиги таҳлил қилинган. Маъмурий преюдицияни таҳлили жиноятларни таснифлаш мезонларини ишлаб чиқишда, маъмурий преюдиция учун жазо белгилиниши, ундаги айб шаклини ўзига хослиги, ғарб давлатларида мазкур институт қандай ҳолда қўлланилишини ўрганиш муҳим аҳамият касб этиши диссертацияда асосланган.

Мазкур бобда Д.С.Семенова, О.С.Капинус, Н.А.Лопашенко, В.П.Малков, В.В.Волженкин, М.И.Ковалев, А.Г.Безверхов ва бошқа олимларнинг илмий қарашлари илмий ўрганилган, таҳлил қилинган. Мазкур бобда маъмурий преюдицияни жиноят қонунчилигидан чиқариш ёки қолдириш масаласида турлича қарашлар мавжудлиги, ёгона ёндошувнинг йўқлиги, жиноят қонунчилигидан маъмурий преюдиция институтини чиқарилиши ҳамда ножўя қилмиш (проступок) институтини жорий этилиши жиноятларни таснифлашга оид қоидаларни такомиллаштириш билан ҳар бир шахс ҳуқуқлари кафолатларини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этиши ҳақидаги хулосага келинган.

Жиноят қонунчилигида маъмурий преюдиция институтининг мавжудлиги Жиноят кодексидаги айрим институтларни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда йўқлиги қилмишни тўғри квалификация қилиш ва жавобгарлик масаласини ҳал қилишда айрим муаммоларни келтириб чиқариши, мазкур масалалар амалиётдаги суд ҳужжатлари мисоллари ёрдамида таҳлил қилинган.

Муаллиф томонидан маъмурий преюдицияга эга жиноят тушунчаси берилган бўлиб, “Маъмурий преюдицияга эга жиноят – Жиноят кодекси Махсус қисмида назарда тутилган қилмишни биринчи марта содир этилганда маъмурий жазо белгилангандан сўнг, жиноят қонунчилигида назарда тутилган муддат ичида такроран ушбу қилмишни содир этиш” деб таъриф берилган. Шунингдек, тадқиқотчи томонидан мазкур жиноятларни квалификация қилишдаги муаммоларни ечими бўйича таклифлар билдирган.

Жиноятларни таснифлашга таъсир этувчи омиллар номли тўртинчи бобда Жиноятларни таснифлашга таъсир этувчи жиноят таркибининг объектив белгилари, жиноятларни таснифлашга таъсир этувчи жиноят таркибининг субъектив белгилари, жиноятларни таснифлашда жазо миқдори ва муддати каби масалалар ёритилган ҳамда муаммолар ечими юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар, шунингдек, янгича илмий қараш ва ёндошувлар таклиф этилган.

Тадқиқотчи томонидан жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига жиной қилмишнинг объектив ва субъектив белгилари таъсир қилиши мумкинлиги, шу билан бир қаторда мазкур белгилар барча ҳолатларда ҳам жиноят таснифига таъсир қилмаслиги, аммо бу белгиларнинг мавжуд бўлиши жазо тайинлашда инобатга олинishi кераклиги қайд этилган.

Жиноятларни таснифлаш мезонларини таҳлил қилишда жиноят таркибининг субъектив белгиси муҳим аҳамият касб этиши, жумладан, жиноят кодекси махсус қисмида субъектив белгилар оғирлаштирувчи ҳолат сифатида келганда мазкур белгилар жиноят таснифига таъсир қилиши, жумладан, жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида келганда субъектив белгилар қилмишнинг ижтимоий хавфлилигига бевосита таъсир қилиши таҳлил қилинган.

Жиноятларни таснифлашга таъсир этувчи субъектив белгилар ҳисобланган субъектив томонни айб шаклига кўра, қасддан ёки эҳтиётсизлик, шунингдек, мотив ва мақсадига кўра масалан, ғаразгўйлик ёки бошқа паст ниятларда, шунингдек, шахснинг эмоционал ёки руҳий ҳолати масалан, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатига кўра таснифлашларни мисол қилиш мумкин. Субъектига кўра эса, умумий ва махсус субъект. Маълумки. Жиноят кодексининг

17-моддасига асосан, жноят субъекти бўлишнинг учта мезони мавжуд. Жумладан, жиной жавобгарликка тортиш ёшига етганлик; ақли расолик; жисмоний шахс бўлиши.

Ушбу бобда жиноят таркибининг субъектив белгилари жиноят таснифига таъсирини, шунингдек, субъектив белгиларни ўз ичига олган субъектив томон ва субъектни мезонлари таҳлил қилинган. Жиноятни субъектив мезонлари жиноятни ижтимоий хавфлилик даражасига ҳамда жиноят таснифига таъсирини инобатга олганда Жиноят кодексининг Умумий қисмида Жиноят кодексининг Махсус қисми моддаларини ижтимоий хавфлилик даражасига кўра қайси тоифага киришини аниқ белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги таклифлар билдирилган. Шунингдек, мазкур бобда жиноят учун белгиланган санкциялар таҳлил қилинган. Санкцияни жиноят таснифи билан алоқаси, муқобил жазоларни белгилашда жиноятни таснифи инобатга олинishi лозимлиги илмий асосланган. Амалда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида жиноятларни таснифлашда айбнинг шакли инобатга олинганлигидан келиб чиқиб, айбнинг ҳам қасд ҳам эҳтиётсизликдан содир этиладиган жиноят таркибларини ажратиш ҳамда алоҳида жавобгарлик белгилаш мақсадга мувофиқ. Бу эса, ўз навбатида, статистик маълумотларни таҳлил қилишда ҳам муҳим аҳамият касб этиши тадқиқотчи томонидан билдирилган.

Айб шакли қасд ва эҳтиётсизликдан ташқари айбнинг мураккаб шакли ҳам мавжуд. Мураккаб айбли жиноятда қасддан қилинган ҳаракатда жиноят таркиби мавжуд бўлиб, юзага келган оқибатга нисбатан шахснинг эҳтиётсизлиги намоён бўлади. Демак, оқибат шахснинг эҳтиётсизлиги натижасида юзага келганлиги учун мазкур жиноят худди шундай оқибатни

қасддан содир этилган жиноятга нисбатан ижтимоий хавфи турлича бўлади. Шу сабабли қонунчиликда мураккаб айбли жиноятлар категориясининг мавжуд бўлиши муҳим ҳисобланади.

Бундан ташқари, муайян жиноятлар муайян ҳолатда қасддан ҳам бошқа ҳолатда эҳтиётсизликдан ҳам содир этилиши мумкин бўлиб, ушбу қилмишлар учун битта моддада бир жиноят таркиби доирасида бир ҳилдаги жавобгарлик белгиланиши мақсадга мувофиқ эмас.

Ушбу бобда тадқиқотчи Жиноят кодексининг Махсус қисми санкциясида жазо миқдори ва муддатларини белгилашда Жиноят кодексининг 15-моддаси қоидалари ўзаро мувофиқлаштирилиши, айбнинг ҳам қасд ҳам эҳтиётсизликдан содир этиладиган жиноят таркиблари алоҳида ажратилиши, жазо тизимидаги барча жазо турлари жиноят таснифидан келиб чиқиб белгиланиши, ЖКнинг Махсус қисми санкцияларидаги жарима жазоси миқдори жиноятларнинг таснифидан келиб чиқиб белгиланиши мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги тақиқлари асосланган. Юқоридаги ўзгартиришлар Жиноят кодексининг 15, 47, 50, 54, 59, 64, 66, 66-1, 69, 71, 72, 73, 74, 78, 85, 86, 87, 90, 139, 220, 221, 230, 230-1, 237, 238, 241-моддаларига ҳам тегишли ўзгартиришлар киритишга асос бўлиши ва мазкур тақиқлар бўйича тегишли қонун лойиҳалари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотчи мазкур бобда қуйидаги хулосаларга келган:

Жиноятнинг миқдор ва сифат кўрсаткичлари орқали жиноят таснифи аниқланади, шунингдек, муайян жиноятнинг оғирлик даражасига ҳамма вақт ҳам жиноятнинг миқдор кўрсаткичи таъсир этмайди, шунингдек, жиноятнинг сифат кўрсаткичи ва миқдор кўрсаткичи ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар орқали жиноят таснифига кўра жиноятнинг оғир ёки қайси бири енгилроқ эканлигини ҳал қилиш мумкин.

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги хусусияти ва ижтимоий хавфлилиги даражаси нисбий тушунча бўлиб, айбнинг шакли жиноятнинг хавфлилиги хусусиятига таъсир қилса, айбнинг даражаси эса (ғараз, ирқий ёки миллий душманлик ёхуд адоват замирида кабилар) жиноятнинг хавфлилиги даражасига таъсир қилади.

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига жиной қилмишнинг объектив ва субъектив белгилари таъсир қилиши мумкин. Шу билан бир қаторда мазкур белгилар барча ҳолатларда ҳам жиноят таснифига таъсир қилмайди. Аммо бу белгиларнинг мавжуд бўлиши жазо тайинлашда инобатга олиниши керак.

Жиноят таснифи (тоифаси) тайинланган жазодан эмас, балки айб шакли билан бир қаторда жиноят учун ўрнатилган санкциядан келиб чиқади.

Маъмурий преюдицияли жиноятларни жиноят қонунчилигида бўлиши Жиноят кодексининг 14-моддасида белгиланган жиноят тушунчасига мос келмайди. Яъни, маъмурий преюдицияли жиноятларда назарда тутилган ижтимоий хавfli қилмиш учун шахсни дастлаб маъмурий жазога тортилиши талаб этилади. Бундан ташқари, жиноят субъекти бўлиши учун икки талаб мавжуд. Жумладан, ақли расолик ҳамда субъект ёшига етганлик. Яъни, жисмоний шахсларнинг жавобгарлигини тартибга солувчи Жиноят Кодекси

17-моддасида муайян жиноятлар учун субъект бўлиши ёки жавобгарлик келтириб чиқариши учун шахсни маъмурий жазога тортилган бўлиши талаби кўйилмаган.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига жиноятларни таснифлашда айбнинг шакли инобатга олинганлигидан келиб чиқиб, айбнинг ҳам қасд ҳам эҳтиётсизликдан содир этиладиган жиноят таркибларини ажратиш ҳамда алоҳида жавобгарлик белгилаш мақсадга мувофиқ. Бу эса, ўз навбатида, статистик маълумотларни таҳлил қилишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Жиноят кодексининг Махсус қисми санкциясида жазо миқдори ва муддатларини белгилашда Жиноят кодексининг 15-моддаси қоидалари ўзаро мувофиқлаштирилиши мақсадга мувофиқ.

Ҳам қасд ҳам эҳтиётсизликдан содир этиладиган жиноят таркиблари алоҳида ажратилиши, жазо тизимидаги барча жазо турлари жиноят таснифидан келиб чиқиб белгиланиши, Жиноят кодексининг Махсус қисми санкцияларидаги жарима жазоси миқдори жиноятларнинг таснифидан келиб чиқиб белгиланиши мақсадга мувофиқ.

ХУЛОСА

“Жиноятларни таснифлаш мезонларини такомиллаштириш” мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқот натижасида қуйидаги назарий ва илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган хулосаларга келинди:

I. Илмий-назарий хулосалар:

1. Жиноятларни таснифлаш тушунчаси – ушбу кодексида жиноятлар жиноятнинг объектив ва субъектив белгиларига қараб, шунингдек, жиноятлар оғирлигига кўра жиноятнинг объектив ва субъектив белгилари асосида Жиноят кодекси Махсус қисмида кўрсатилган жиноятнинг санкциясида белгиланган жазо миқдори ва муддатига қараб тоифаларга бўлинади”.

2. Жиноятларни таснифлашга оид қоидаларни ишлаб чиқишда жиноятларни оғирлик (ижтимоий хавфлилик даражаси) даражасига кўра таснифлашда жазо миқдори ва муддати алоҳида мезон, айб шакли алоҳида мезон сифатида қаралиши мақсадга мувофиқ.

3. Жиноят учун санкциянинг оғир ёки енгил белгиланиши жиноятнинг объектив ва субъектив белгилари мезонларига боғлиқ бўлиб, жиноятларни таснифлашнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси аниқ ўлчов ёки баҳолаш мезонларига эга эмас.

4. Жиноятларни таснифлашда яъни тоифаларга бўлишда жазонинг миқдори ва муддатига қараб қасддан содир этиладиган қуйидаги 4 та тоифадаги жиноятларга бўлиниши мақсадга мувофиқ. Шу билан бир қаторда бунда жиноятларни ижтимоий хавфлилик даражасига кўра таснифлаш жумласини қўллаш мақсадга мувофиқ эмас.

Яъни, биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи тоифадаги жиноятлар.

Биринчи тоифадаги жиноятларга қасддан содир этилиб, озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилмаган ёки энг кўп жазо сифатида 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар назарда тутилиши таклиф этилади.

Иккинчи тоифадаги жиноятларга қасддан содир этилиб, энг кўп жазо сифатида 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки муқобил жазо сифатида озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилмаган жиноятлар назарда тутилиши таклиф этилади.

Учинчи тоифадаги жиноятларга қасддан содир этилиб, энг кўп жазо сифатида 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси ёки муқобил жазо сифатида озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилмаган жиноятлар назарда тутилиши таклиф этилади.

Тўртинчи тоифадаги жиноятларга қасддан содир этилиб, 10 йилдан ортиқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар назарда тутилиши таклиф этилади.

Юқоридаги тоифадаги жиноятлар фақат қасддан содир этилади. Эҳтиётсизлик орқасида содир этиладиган жиноятлар алоҳида тасниф ҳисобланиб, оғирлик даражасига кўра тоифаларга бўлинмайди. Амалдаги Жиноят кодексининг қатор моддаларида ҳам эҳтиётсизлик орқасида содир этиладиган жиноятларда таснифлаш масаласида тоифалар кўрсатилмаган. Яъни, умумий маънода эҳтиётсизлик орқасидаги жиноятлар ёки оғир оқибатларни келтириб чиқармаган эҳтиётсизлик орқасидаги жиноятлар жумлалари қўлланилган. Эҳтиётсизлик оқибатида содир этиладиган жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кўп жазо миқдори 10 йилдан ортиқ бўлиши мумкин эмаслиги белгиланиши мақсадга мувофиқ.

5. Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида жиноят таснифи фақат жазо миқдори билан белгиланмайди. Яъни, бир ҳилдаги жазо назарда тутилган жиноятларда, айбнинг шаклига қараб тасниф турлича бўлади.

6. Тадқиқот ишида ўрганилган хорижий давлатларда дастлаб жиноят қонунчилиги доирасида белгиланган айрим майда ҳуқуқбузарликлар жиноят қонунчилигидан чиқарилган ҳамда декриминализация қилинган. Бундай ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқишни маъмурий органлар ваколатига ўтказилиши эса судларни иш юклмасини енгиллашига олиб келган. Қайд этиш лозимки, ҳар қандай жиноятни жиноят қонунчилиги доирасидан чиқарилиши яъни, декриминализация қилиниши, мазкур қилмишни жамият учун хавфлилик даражасидан келиб чиқиб белгиланади. Агар жинойий ҳуқуқбузарлик жиноят қонунчилиги доирасидан ташқари чоралар билан олдини олиш деган хулосага келинса, жиноят декриминализация қилинади. Жиноятни хавфлилик даражаси эса жиноят таснифида намоён бўлади.

7. Амалдаги Жиноят кодексининг Махсус қисми тизими жумладан, бўлимлари жойлашувида ҳам ижтимоий хавфлилик даражаси кетма-кетлигига риоя қилинмаган.

8. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси нормалари асосида жиноятларни объектив ва субъектив белгиларга қараб таснифларга бўлиш мумкинлигини кўрсатади.

9. Қасд ва эҳтиётсизликни ижтимоий хавфлилиги бир биридан кескин фарқ қилинишини инобатга олсак, қасддан ва эҳтиётсизликдан содир этиладиган жиноятларни бир ҳил тасниф қаторига қўйиш мақсадга мувофиқ эмас деган хулосага келиш мумкин ҳамда эҳтиётсизлик орқасида содир этиладиган жиноятларни алоҳида жиноятлар таснифига киритиш мақсадга мувофиқ. Яъни, қасддан содир этиладиган жиноятларни алоҳида таснифи, эҳтиётсизлик орқасида содир этиладиган жиноятларни алоҳида таснифи. Эҳтиётсизликдан содир этилган жиноятларни оддий эҳтиётсизлик ва мураккаб эҳтиётсизлик шаклига бўлиш мумкин.

10. Шунингдек, жазо миқдори ҳам доимо жиноят объектини қадрдан келиб чиқиб белгиланмайди. Экология соҳасидаги жиноятлар объекти давлат ва жамият учун юқори аҳамият касб этади аммо мазкур жиноятлар учун белгиланган жазонинг энг юқори миқдори саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси этиб белгиланган. Демак, жиноят объектининг аҳамияти ҳамма вақт ҳам жазо муддати ва миқдorigа ҳамда жиноят таснифига таъсир этмайди.

II. Жиноят қонунчилигини такомиллаштириш бўйича таклифлар:

1. ЖКнинг 15-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

15-модда. Жиноятларни таснифлаш.

1. Жиноятларни таснифлаш тушунчаси – ушбу кодексда жиноятлар жиноятнинг объектив ва субъектив белгиларига қараб, шунингдек, жиноятлар оғирлигига кўра жиноятнинг объектив ва субъектив белгилари асосида Жиноят кодекси Махсус қисмида кўрсатилган жиноятнинг санкциясида белгиланган жазо миқдори ва муддатига қараб тоифаларга бўлинади”.

Жиноятлар оғирлик даражасига кўра қуйидаги тоифаларга бўлинади.

Биринчи тоифадаги жиноятларга қасддан содир этилиб, озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилмаган ёки энг кўп жазо сифатида 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар.

Иккинчи тоифадаги жиноятларга қасддан содир этилиб, энг кўп жазо сифатида 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки муқобил жазо сифатида озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилмаган жиноятлар.

Учинчи тоифадаги жиноятларга қасддан содир этилиб, энг кўп жазо сифатида 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси ёки муқобил жазо сифатида озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилмаган жиноятлар.

Тўртинчи тоифадаги жиноятларга қасддан содир этилиб, 10 йилдан ортиқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар.

Эҳтиётсизлик оқибатида содир этиладиган жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кўп жазо миқдори ўн йилдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Жиноятларни таснифлашнинг оғирлик даражаси Махсус қисм моддасида содир этилган тамом бўлмаган жиноят учун амалда қонун бўйича тайинланиши мумкин бўлган энг оғир жазонинг максимал муддатидан келиб чиқиб белгиланади.

Маъмурий преюдицияли жиноят – Жиноят кодекси Махсус қисмида назарда тутилган қилмишни биринчи марта содир этилганда маъмурий жазо белгилангандан сўнг, жиноят қонунчилигида назарда тутилган муддат ичида такроран ушбу қилмишни содир этиш.

Шахс маъмурий преюдицияга эга жиноят учун судланганидан сўнг, яна шундай қилмишни содир этганда шахс жиний жавобгарликка тортилади ҳамда бунда маъмурий жазога тортилган бўлиш талаб этилмайди.

Шахснинг маъмурий преюдицияга эга жиноят учун судланганлик муддати ўтиб кетган, аммо маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор кучга кирганидан сўнг бир йил ўтмасдан шундай қилмишни такроран содир этганида шахс жиний жавобгарликка тортилади.

Жиноят кодекси Махсус қисми моддалари учун санкция миқдори ушбу модда талабларидан келиб чиқиб белгиланади.

2. ЖКнинг 47-моддаси 2-қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

47-модда. Хизмат бўйича чеклаш

2-қисм. Хизмат бўйича чеклаш жазо чораси ушбу Кодекс Махсус қисмининг моддасида назарда тутилган ҳолларда икки ойдан уч йилгача муддатга қўлланилади. *Биринчи тоифадаги жиноят ёки эҳтиётсизлик* орқасида содир *этилган* жиноят учун суд иш ҳолатлари ва маҳкумнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ўрнига шу муддатга хизмат бўйича чеклаш жазосини қўллаши мумкин.

3. ЖКнинг 50-моддаси 7-10-қисмлари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

50-модда. Озодликдан маҳрум қилиш.

7-қисм. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган эркакларга нисбатан:

а) *биринчи ва иккинчи тоифадаги жинояти, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жинояти* учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони манзил-колонияларда;

б) *учинчи ва тўртинчи тоифадаги* жинояти учун биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони умумий тартибли колонияларда;

в) илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаб чиқиб ёки ўтаётган чоғида, қасддан янги содир этган жинояти учун ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони қаттиқ тартибли колонияларда;

г) ўта хавфли рецидивистларга нисбатан жазони махсус тартибли колонияларда ўташ тайинланади. Умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилганлар, шунингдек афв этиш тартибида умрбод озодликдан маҳрум қилиш

жазоси озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган шахслар ҳам жазони махсус тартибли колонияларда ўтайдилар.

8-қисм. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган аёлларга нисбатан:

а) **биринчи ёки иккинчи тоифадаги, шунингдек, жиноятни эҳтиётсизлик оқибатида содир этганларга** нисбатан жазони манзил-колонияларда;

б) **учинчи ва тўртинчи тоифадаги** жиноят учун жазони умумий тартибли колонияларда;

в) илгари озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаб чиқиб, янги содир этган **тўртинчи тоифадаги** жинояти учун ҳукм қилинаётганларга, шунингдек ўта хавфли рецидивист деб топилганларга нисбатан жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташ тайинланади.

9-қисм. Турмага қамаш тариқасидаги озодликдан маҳрум қилиш, жазонинг муайян қисмига, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга:

а) ўта хавфли рецидивистларга;

б) **учинчи ёки тўртинчи тоифадаги** жинояти учун беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан тайинланиши мумкин.

10-қисм. **Биринчи ва иккинчи тоифадаги жинояти ҳамда жиноятни эҳтиётсизлик оқибатида содир этганлик** учун озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо ҳомиладор аёлларга ва уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга нисбатан, шунингдек қонунчиликка мувофиқ ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга нисбатан тайинланмайди.

4. ЖКнинг 64-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

64-модда. Жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноят учун жавобгарликдан озод қилиш

1-қисм. Агар жиноят содир этилган кундан бошлаб қуйидаги муддатлар:

а) **биринчи тоифадаги жиноят** содир этилган кундан бошлаб – икки йил;

б) **ва иккинчи тоифадаги жиноят** содир этилган кундан бошлаб – тўрт йил;

б-1) **эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этилган кундан бошлаб – тўрт йил;**

в) **учинчи тоифадаги жиноят** содир этилган кундан бошлаб – саккиз йил;

г) **тўртинчи тоифадаги жиноят** жиноят содир этилган кундан бошлаб – ўн тўрт йил ўтган бўлса, шахс жавобгарликдан озод қилинади.

4-қисм. Агар **учинчи ёки тўртинчи тоифадаги жиноят** содир этган шахс ушбу моддада назарда тутилган муддатлар ўтмасдан қасддан янги жиноят содир этса, муддатнинг ўтиши узилади. Бундай ҳолда жавобгарликка тортиш муддатлари янги жиноят содир этилган кундан бошлаб ҳисобланади. Қолган ҳолларда, агар шахс жавобгарликка тортиш муддатлари ўтмасдан янги жиноят содир этса, бу муддатлар ҳар бир жиноят учун алоҳида ҳисобланади.

5-қисм. Агар **биринчи ва иккинчи тоифадаги жиноятлар ҳамда эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноятлар содир** этилган кундан бошлаб ўн йил, **учинчи ва тўртинчи тоифадаги жиноят** содир этилган

кундан бошлаб йигирма беш йил ўтган бўлса, шахс жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

5. ЖКнинг 69-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

69-модда. Жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш

1-қисм тўлдирилмоқда. Юқоридаги муддатлар фақат эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноятлар учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганда икки бараварга қисқаради.

2-қисм. Агар маҳкум ушбу моддада назарда тутилган жазони ўташдан бўйин товласа, жазони ижро этиш муддати икки баравар кўпаяди ва жазони ўташдан бўйин товланган кундан бошлаб ҳисобланади, лекин йигирма беш йилдан ошмаслиги керак. **Эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноят учун ўн икки ярим йилдан ошмаслиги керак.**

4-қисм тўлдирилмоқда. Агар эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноят учун жазо тайинланган кундан бошлаб ўн икки ярим йил ўтган бўлса, жазони ижро этиш мумкин эмас.

6. ЖКнинг 78-моддаси қуйидаги янги таҳрирда баён этилсин:

78-модда. Судланганлик ҳолатининг тугалланиши

Шахсининг судланганлик ҳолати қуйидаги пайтларда тугалланади:

а) биринчи тоифадаги жиноят содир этган шахслар жазони ўтаб чиққач;

б) иккинчи тоифадаги жиноят содир этган шахслар жазони ўтаганидан кейин – икки йил ўтгач;

в) учинчи тоифадаги жиноят содир этган шахслар жазони ўтаганидан кейин – тўрт йил ўтгач;

г) тўртинчи тоифадаги жиноят содир этган шахслар жазони ўтаганидан кейин – етти йил ўтгач;

Эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жинояти учун жазони ўтаб бўлган шахс судланмаган ҳисобланади.

III. Суд амалиётини яхшилаш бўйича тавсиялар:

1. Жиноятнинг миқдор ва сифат кўрсаткичлари орқали жиноят таснифи аниқланади, шунингдек, муайян жиноятнинг оғирлик даражасига ҳамма вақт ҳам жиноятнинг миқдор кўрсаткичи жиноят таснифига таъсир этмайди, шунингдек, жиноятнинг сифат кўрсаткичи ва миқдор кўрсаткичи ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар орқали жиноят таснифига кўра жиноятнинг оғир ёки қайси бири енгилроқ эканлигини ҳал қилиш мумкин.

2. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги хусусияти ва ижтимоий хавфлилиги даражаси нисбий тушунча бўлиб, айбнинг шакли жиноятнинг хавфлилиги хусусиятига таъсир қилса, айбнинг даражаси эса (ғараз, ирқий ёки миллий душманлик ёхуд нафрат ёки адоват замирида кабилар) жиноятнинг хавфлилиги даражасига таъсир қилади.

3. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига жинойий қилмишнинг объектив ва субъектив белгилари таъсир қилиши мумкин. Шу билан бир қаторда мазкур белгилар барча ҳолатларда ҳам

жиноят таснифига таъсир қилмайди. Аммо бу белгиларнинг мавжуд бўлиши жазо тайинлашда инобатга олиниши керак.

4. Жиноят таснифи (тоифаси) тайинланган жазодан эмас, балки айб шакли билан бир қаторда жиноят учун ўрнатилган санкциядан келиб чиқади.

5. “Судлар томонидан жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Олий суди қарорининг 49-бандига “шахс бир неча айнан ўхшаш қилмишни такрорийлик белгисига кўра содир этган бўлиб, улардан айримлари тугалланган жиноят, бошқалари эса - жиноятга тайёргарлик, суиқасд тариқасида квалификация қилинганда” ушбу қилмишлар ичида энг оғир жазо назарда тутилган модданинг қисми (банди) билан квалификация қилинади ва бу жиноятлар мажмуи деб топилмайди” деб тушунтириш берилиши мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ
DSC.31/31.12.2020.YU.67.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ
СТЕПЕНЕЙ ПРИ ПРАВООХРАНИТЕЛЬНОЙ АКАДЕМИИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЮРИДИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

КАРИМОВ ХУРШИД АКРАМОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ КРИТЕРИЕВ КЛАССИФИКАЦИИ
ПРЕСТУПЛЕНИЙ**

12.00.08 – Уголовное право. Уголовно-исполнительное право.

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора юридических наук (DSc)**

Ташкент – 2024

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за № B2021.2.DSc/Yu168.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном юридическом университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-сайте Научного совета (www.proacademy.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный консультант:

Пулатов Бахтиёр Халилович
доктор юридических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Ахроров Бахром Джаббарович
доктор юридических наук, профессор

Фозилов Икром Юсупович
доктор юридических наук, профессор

Тургунбоев Элбек Одилжонович
доктор юридических наук

Ведущая организация:

**Высшая школа судей при Высшем
судейском совете Республики Узбекистан**

Защита диссертации состоится 18 декабря 2024 года в 10:00 часов на заседании разового Научного совета при научном совете по присуждению ученых степеней DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 при Правоохранительной академии Республики Узбекистан (Адрес: 100190, г. Ташкент, улица Рихсилий, 9. Тел.: +99871 202-04-96.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Правоохранительной академии Республики Узбекистан (зарегистрировано за № 48). (Адрес: 100047, г. Ташкент, улица Рихсилий, 9. Тел.: +99871 233-66-36).

Автореферат диссертации разослан 04 декабря 2024 года.

(протокол реестра № 14 от 04 декабря 2024 года).

Ф.Х.Рахимов

Председатель Разового Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор юридических наук, профессор

Ш.И.Шайзаков

Научный секретарь Разового Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философии по юридическим наукам (PhD), доцент

В.Каримов

Председатель Научного семинара при Разовом Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор юридических наук, профессор

Введение (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире важное значение в борьбе с преступностью, предупреждении преступности, ведении динамики роста или снижения преступности, разработке стратегий борьбы с преступностью, эффективном обеспечении государственной политики борьбы с преступностью приобретает разработка правил классификации преступлений по степени и характеру общественной опасности. Имеет важное значение в вопросах определение того, какой вид преступлений вырос, а какой уменьшился, на основе критериев, относящихся к данной классификации, а также разработки эффективных мер в борьбе с преступностью, определения размера санкции за преступление, назначения справедливого наказания лицу совершившему преступление.

Следует отметить, актуальность темы также показывает то, что Управлением Организации Объединенных Наций по наркотикам и преступности разработана Международная классификацию преступлений для целей статистики, а также определено, что преступления могут рассматриваться и классифицироваться по различным аспектам в качестве критериев для международной классификации преступлений для целей статистики¹.

В мире особое внимание уделяется вопросам научно-практического исследования критериев классификации преступлений.

В частности, важное значение приобретает объем санкции за преступления, введение альтернативных наказаний, обращение внимания на форму вины при назначении наказания, личность преступника и его участие в совершении преступления, отягчающие обстоятельства при совершении преступления, значение классификации преступлений при назначении наказания, классификация преступлений с административной преюдицией, влияние преступлений с административной преюдицией на общественную опасность деяния, значение классификации преступлений при квалификации преступлений, изучение правоприменительной практики, выявление проблем и разработка путей их устранения.

Факторы, влияющие на критерии классификации преступлений, анализ объективных и субъективных признаков преступления, пересмотр отягчающих признаков состава преступления, пересмотр влияния на классификацию преступлений таких институтов, как неоконченное преступление, соучастие в преступлении и разработка предложений по совершенствованию также важны в борьбе с преступностью.

В нашей стране разработка новых критериев классификации преступлений имеет важное значение, в Концепции совершенствования уголовного и уголовно-процессуального законодательства Республики Узбекистан, утвержденной Постановлением Президента Республики Узбекистан от 14 мая 2018 года № 3723 “О мерах по коренному совершенствованию системы уголовного и уголовно-процессуального законодательства” поставлена задача

¹ Международная классификация преступлений для целей статистики uno.org

пересмотреть систему и критерии классификации преступлений путем введения альтернативных показателей, определяющих степень и характер общественной опасности преступного деяния. Для выполнения данных задач актуально проведение исследовательской работы на тему совершенствования критериев классификации преступлений.

Классификации уголовных дел по степени общественной опасности, рассмотренных в судах², показывает следующие цифры:

число лиц, совершивших преступления, не представляющие большой общественной опасности, в 2018 году составило 19 147 (39%), в 2019 году 14 198 (39%), в 2020 году 16 644 (44%), в 2021 году 25 716 (42%), в 2022 году 30 680 (41%), в 2023 году 31 148 (42%);

- число лиц, совершивших менее тяжкие преступления, составило 15 338 (32%) в 2018 году, 11 220 (30%) в 2019 году, 10 218 (27%) в 2020 году, 16 202 (26%) в 2021 году, 19 496 (26%) в 2022 году, 18 226 (25%) в 2023 году);

- число лиц, совершивших тяжкие преступления, в 2018 году составило 11 540 (24%), в 2019 году 9 119 (25%), в 2020 году 9 221 (24%), в 2021 году 16 778 (27%), в 2022 году 21 889 (29%), в 2023 году 21 402 (29 %);

- число лиц, совершивших особо тяжкие преступления, составило 2 556 (5%) в 2018 году, 2 308 (6%) в 2019 году, 2 054 (5%) в 2020 году, 2 567 (4%) в 2021 году, 3 003 (4%) в 2022 году, 3 021 (4%) в 2023 году.

Анализ приведенных цифр имеет важное значение при наличии четких критериев положения о классификации преступлений по степени общественной опасности, анализе преступности, борьбе с преступностью, в борьбе с преступностью на основе изучения тенденций увеличения или уменьшения преступлений исходя из тяжести преступлений, разработке соответствующих мер.

Кроме того, при выполнении приоритетных задач по обеспечению верховенства закона и реализации реформ в судебной – правовой системе, определенных Указом Президента Республики Узбекистан от 11 сентября 2023 года № 158 “О стратегии “Узбекистан-2030”, вопросы либерализации уголовного законодательства, в том числе исследование критериев классификации преступлений и совершенствования уголовного законодательства в этом направлении также имеет важное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит для реализации исполнения Постановления Президента Республики Узбекистан от 14 мая 2018 года № 3723 “О мерах по коренному совершенствованию системы уголовного и уголовно-процессуального законодательства, Указа Президента Республики Узбекистан от 11 сентября 2023 года № 158 “О стратегии “Узбекистан-2030”, Указа Президента Республики Узбекистан 28 февраля 2023 года № УП-27 “О государственной программе по реализации стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 - 2026 годы в “Год заботы о человеке и качественного образования”, Постановления Президента Республики Узбекистан 14 марта 2017 года “О мерах по дальнейшему совершенствованию

² <https://stat.sud.uz/file/2024/31-01>.

системы профилактики правонарушений и борьбы с преступностью” и других законодательных актов.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением I. «Формирование системы инновационных идей и путей их реализации в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информационного общества и демократического государства».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации³.

Научно-исследовательские работы по вопросам классификации преступлений проводились в международных научных и образовательных учреждениях, таких как университет прокуратуры Российской Федерации (Россия), Университет Виктории в Веллингтоне (Новая Зеландия), Корейский институт криминологии и правосудия (Южная Корея), Мичиганский университет (США), Гентский университет (Бельгия).

Определенные научные результаты получены в исследованиях по изучению критериев классификации преступлений. В результате проведенных научных исследований, в частности, сформулированы и обоснованы выводы по темам классификация (теоретико-практический анализ) в уголовном законодательстве России (Нижегородская академия МВД России)⁴, теоретические проблемы классификации преступлений по уголовному праву Республики Казахстан (Карагандинская Высшая школа КНБ РК)⁵, правовое значение классификации преступлений (Ростовский юридический институт МВД России)⁶, классификация преступлений (университет Миннесота)⁷, классификация преступлений (Университет Уолдена)⁸; Кембриджский индекс преступного ущерба (The University of Cambridge)⁹.

Степень изученности проблемы. В нашей стране мало изучены вопросы совершенствования критериев классификации преступлений. К некоторым его аспектам обращено внимание в научных работах М.Х.Рустамбаева, Р.А.Зуфарова, Р.Кабулова, М.Усманиева, Ю.С.Пулатова, М.Раджабовой, Ж.Ташкулова, У.Ш.Холикулова, Х.Очилова, Е.Тургунбаева, Д.Камаловой, Г.Розимовой, А. Ташпулатова и других.

Непосредственно научно-исследовательскую работу по вопросам классификации преступлений проводили такие ученые стран СНГ, как

³ <https://www.agprf.org>, <https://www.unodc.org>, <https://www.dissercat.com>, <http://www.dslib.net>, <https://cjars-toc.isr.umich.edu>, <https://www.kicj.re.kr>, <https://www.sciencedirect.com>, <https://eucpn.org>.

⁴ Классификация в российском уголовном законодательстве (теоретико-прикладной анализ). Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Нижний Новгород – 2006

⁵ Онгарбаев. Е.А. Теоретические проблемы классификации преступлений по уголовному праву Республики Казахстан. Диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук. Караганда -1998

⁶ Ратьков. А.Н. Правовое значение классификации преступлений. Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Ростов-на-Дону 2002

⁷ <https://open.lib.umn.edu/criminallaw/chapter/1-4-classification-of-crimes/>

⁸ https://www.researchgate.net/publication/344149167_Classification_of_Crimes

⁹ <https://www.crim.cam.ac.uk/research/thecambridgecrimeharminindex>

А.Ю.Гревцева¹⁰, Н.Г.Кадников¹¹, Н.Н.Маршакова¹², У. Азизов¹³, О.А.Михал¹⁴, Е.А.Онгарбаев¹⁵, А.Н.Ратьков¹⁶, А.Г.Халиков¹⁷, Т.В.Цатурян¹⁸.

Исследования проводили такие ученые, как John W. Mac Donald¹⁹, Tony Ward, Russil Durrant, Louise Dixon²⁰.

Однако в нашей республике вопросы совершенствования критериев классификации преступлений не исследованы комплексно с практической и теоретической точки зрения на диссертационном уровне.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Исследовательская работа выполнена в рамках фундаментального проекта плана научно-исследовательских работ Ташкентского государственного юридического университета по теме “Инновационные методы и средства профилактики и предупреждения правонарушений”.

